

Toshkent shahar M.Ulug'bek ko'chasi 1- uy

Тошкент шаҳар М.Улугбек кўчаси 1-уй

INN- 204414625 Xp 20 208 000 704 245 224 001 ДАВРБАНК ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ MCHJ- 01046 TEL 604-07-61

№ 12

«10» апрель 2019 йил

**«ANTEKS» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 01 январдан 2018 йилнинг 31 декабрга қадар бўлган давридаги молиявий -хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига қура изоҳлар билан фикр билдирилган  
А У Д И Т О Р Х У Л О С А С И**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йилнинг 31 июль "858"-рақам билан қайта рўйхатдан утган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини утказиш ҳуқуқини берувчи 2010 йил 12 ноябрдаги 00519-сонли лицензияга эга бўлган МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкilotи «ANTEKS» акциядорлик жамияти билан 2018 йил 09 апрелда тузилган 12/А-сонли шартномага асосан жамиятнинг 2018 йил 01 январдан 2018 йил 31 декабрга қадар бўлган давридаги молиявий фаолияти 2019 йил 06 апрелдан 10 апрелгача бўлган давр мобайнида утказилди.

Аудитор Н.Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати 20.03.2019 йил № 05598) томонидан «ANTEKS» акциядорлик жамиятининг «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисоботдан иборат 2018 йил учун тузилган молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ихтиёрий тарздаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги молиявий қонунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солиқ Кодекси ва шу йўналишларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги ҳамда ҳисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг қонунийлиги буйича маъсулият хужалик юритувчи субъект раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкilotи эса молиявий ҳисобот буйича билдирган ҳулосаси учун маъсулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг ҳаракатдаги 70-сонли миллий стандартга мувофиқ утказилди. Ушбу стандартлар бизга миқдор корхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботда моҳий аҳамиятга эга бўлган ҳатоликлар йўқлиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботда аке этирилган ва бошқа молиявий ахборотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солувчи қонунчиликка мос қелишлигини баҳолашни талаб қилади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида қуриб чиқилган молиявий ҳисобот буйича уз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб ҳисоблаймиз.

**Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос**

2018 йил фаолияти буйича утказилган текширув натижасида бухгалтерияни юритишда айрим камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси жамият раҳбарига ҳавола этилди.

Бизнинг фикримизча, «ANTEKS» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи юқоридagi салбий ҳолатларни ҳисобга олмаганда унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида ҳаққоний ахборот беради ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.



МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкilotи директори:

Аудитор:

Ф.Султонова

Н.Курбонова